

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
МИЛЛИЙ АРХЕОЛОГИЯ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/02.30.12.2019. TAR.45.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**Ш.Р. РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

БЕРДИҚУЛОВ МИРОЛИМ ТУГАЛВОЕВИЧ

**ТЎДА-1 НЕОЛИТ МАКОНИ
(техник-типологик тадқиқот)**

**07.00.06 – Археология
(тарих фанлари)**

**тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2022

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати
мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии по истории (PhD)

Contents of dissertation abstract for the degree of Doctor of Philosophy (PhD)
in history

Бердикулов Миролим Тугалвиевич
Тўда-1 неолит макони (техник-типологик тадқиқот)5

Бердикулов Миролим Тугалвиевич
Неолитическая стоянка Тода-1 (технико-типологическое исследование).....27

Berdikulov Mirolim Tugalvievich
Neolithic site Toda-1(technical and typological research)51

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works.....55

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
МИЛЛИЙ АРХЕОЛОГИЯ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/02.30.12.2019. TAR.45.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**Ш.Р. РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

БЕРДИҚУЛОВ МИРОЛИМ ТУГАЛВОЕВИЧ

**ТЎДА-1 НЕОЛИТ МАКОНИ
(техник-типологик тадқиқот)**

**07.00.06 – Археология
(тарих фанлари)**

**тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида 07.00.06 B2022.1.PhD/Tag1064 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ш.Р. Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетига бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (рус, ўзбек, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.archaeology.uz) ҳамда "ZiyoNET" ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Сайфуллаев Бахтиёр Қурбонovich
тарих фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Сулейманов Рустам Хамидович
тарих фанлари доктори, профессор

Мирсоатова Сайёра Тургуновна
тарих фанлари номзоди, доцент

Ётақчи ташкилот:

Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Миллий археология маркази илмий даражалар берувчи DSc.02/02.30.12.2019.Tag.45.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил "16" 12 соат 24⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 81-уй.) Тел.: (99871) 262-64-62, e-mail: uzarchae@academy.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Миллий археология маркази ва Фундаментал кутубхонасида танишиш мумкин (63-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Зиёлилар кўчаси, 13-уй. Тел.: (99871) 262-74-58; Факс: (99871) 262-34-41).

Диссертация автореферати 2022 йил " 01 " 12 кун тарқатилди.
(2022 йил " 01 " 12 даги 9 – рақамли реестр баённомаси)



Ф.А.Мақсудов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, т.ф.д.

Д.Х.Муродова
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш котиби, т.ф.н.

А.А.Анарбаев
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, т.ф.д.,
профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Мавзунинг долзарблиги ва зарурати. Неолит даври инсоният тарихининг ишлаб чиқариш фаолиятини бошлаб берган ва цивилизацияларнинг шаклланишига асос солган туб бурилиш босқичидир. Неолит даврида уй-жой, примитив деҳқончилик, сополсозлик, балиқчилик ҳамда қорамол ва туяларни хонакилаштириш йўлга қўйилади. Шунингдек бу даврда ўтроқлашган қишлоқ жамоалари шаклланади. Бу даврда ибтидоий маданият ва диний тасаввурлар кенг ривож топди. Жамоалар ўртасида маданий ва ижтимоий-иқтисодий алоқалар юқори даражада тараққий қилди.

Ўрта Осиё ер юзининг янги тош даврига оид рангбаранг маданиятлар шаклланган ва кенг тарқалган энг бой ҳудудларидан биридир. Бу ердан Жойтун, Ҳисор, Калтаминор, Сазагон ва Марказий Фарғона каби бетакрор неолит даври маданиятлари очиб ўрганилган. Уларнинг аксарияти Ўзбекистон ҳудудида жойлашган. Аммо яқин кунларгача Жанубий Ўзбекистон ҳудудидан бу даврга оид материаллар аниқланмаган эди. Сурхондарё вилояти, Бойсун тумани ҳудудидан янги Тўда-1 ғор маконининг очилиши ушбу бўшлиқни тўлдиради.

Тўда-1 маконининг очиб ўрганилиши Жанубий Ўзбекистоннинг янги тош даври тарихида янги саҳифаларни очиши билан бирга, шу даврда яшаган аجدодларимизнинг маданий, ижтимоий-иқтисодий ва кундалик турмуш тарзига доир муаммоларни тўлароқ ёритиш ва уларни ҳал қилиш имкониятларини берганлиги ушбу диссертация ишининг долзарблигини белгилайди.

Сўнгги йилларда Республикаимизнинг тарихий-маданий бойликларини дунё бўйлаб танитиш ва туризм салоҳиятини юксалтириш борасида кўплаб ишлар қилинмоқда. Мазкур жараёнда тарихий тадқиқодлар сифати ва кўламини кенгайтириш зарурати вужудга келмоқда. Тўда-1 макони тарихи ва унинг маданий-даврий хусусиятларини ёритилиши маълум маънода илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни, илмий ўрганиш, оммалаштириш ва бой тарихимизни, моддий ва маданий меросимизни янада бойитиш кейинги йилларда эълон қилинган қатор ҳуқуқий ҳужжатлар, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 497-сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 5 та устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги 2789-сонли “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2018 йил 18 январ Ф-5181 сонли “Моддий маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни такомиллаштириш тўғрисида”ги фармонларида белгиланган илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, халқимизнинг бой тарихи, моддий ва маданий меросини

илмий ўрганиш, тарғиб қилиш ва бойитиб бориш каби вазифаларни маълум даражада бажаришга хизмат қилади¹.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг 1. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилиш даражаси. Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон ҳудудидан неолит даврига оид бетакрор маданиятларга хос бўлган кўплаб ёдгорликлар очиб ўрганилган. Булар қаторига Туркменистондаги Жойтун², Тожикистондаги Ҳисор³ ва Ўзбекистондаги Калтаминор⁴ (Қизилқум), Марказий Фарғона⁵ (Қорақалпоқ дашти), ҳамда ўрта Зарафшон воҳасидаги Сазагон⁶ маданияти ёдгорликларини киритиш мумкин.

Жанубий Ўзбекистон ҳудуди ҳам тош даври ёдгорликларига бой ўлкалардан ҳисобланади. Бу ердаги Мачай дарасидан 1971-йилда мезолит даврининг охирига оид Мачай ғори тадқиқ қилинган⁷. 2014-йилдан бошлаб Жанубий Ўзбекистонда, хусусан, Сурхондарё вилояти, Бойсун туманидаги Мачай дарасида Ўзбекистон-Япония халқаро экспедицияси иш бошлади ва бу ердан неолит даврига оид Қайнар-Камар ғор макони очиб ўрганилмоқда. Ёдгорликнинг пастки 20 сантиметрлик маданий қатлами неолит даврининг бошларига оидлиги аниқланган. Ҳорнинг ушбу қатлампан олинган таҳлиллар (радиокарбон С¹⁴) мил.ав. 7,5 минг йилликлар билан саналанган⁸.

2017-йилда ЎзР ФА Археологик тадқиқотлар институти билан Хитой ФА Умуртқалилар палеонтологияси ва палеоантропология институти ўртасида тузилган халқаро Ўзбекистон-Хитой экспедицияси Бойсун

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида.” ги Фармони; 2017 йил 17 февралдаги “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори; 2018 йил 18 январь “Моддий маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармойиши; [Электрон ресурс]. www.lex.uz.

² Массон В.М. Средняя Азия в эпоху камня и бронзы. Изд-во «Наука». М.-Л., 1966. –С. 76-92.

³ Ўша жойда. –С. 145-148.

⁴Толстов С.П. По следам древнехорезмийской цивилизации. М.: 1948. -С.33-34; Толстов С.П. Древней Хорезм. – М.: Издательство МГУ, 1948. -С. 27-31; Толстов С.П., Итина М.А. Проблема суярганской культуры. – СА, 1960, № 1. -С. 14—35. Гулямов Я.Г., Исламов У., Аскарлов А. Первобытная культура в низовьях Зарафшана. Ташкент: “Фан”, 1966. -С. 95.

⁵ Исламов У.И. Обиширская культура. Ташкент: Фан, 1980. -С. 6-7. История первобытного общества. Эпоха первобытной родовой общины. – М.: Наука, 1986. -С. 130-136.

⁶ Джуракулов М.Д. Результаты исследований археологической экспедиции Самаркандского госуниверситета им. А. Навои 1979 г.-В кн.: Вопросы археологии, древней истории и этнографии. Самарканд, 1981. -С. 45-49; Джуракулов М.Д. Некоторые итоги исследования неолитических стоянок в селении Сазаган. – ОНУ, 1983, № 6. -С. 48-55.

⁷ Исламов У.И. Пещера Мачай. Ташкент. Изд-во «ФАН» АН РУз. 1975. -С. 175.

⁸ Арипджанов О.Ю., Сулейманов Р.Х., Нишиаки Й., Сайфуллаев Б., Эргашев О., Наката Х., Араи С., Акаши Ч. Научный отчет о рекогносцировочных работах в долине Мачай. Ташкент 2017 г. Ф.5, О.1, Д.247. -С. 1-20.

археологик гуруҳи томонидан Тўда қишлоғининг ғарбий чеккасида жойлашган тоғ массивидан шу номли ғорда изланишлар олиб борилди⁹. Бу ерда 2,20 м чуқурликдан турли қалинликлардаги 24 та неолит даври маданий сатҳлари аниқланди. Ушбу қатламлардан ўчоқ, фауна, флора қолдиқлари билан бирга кўплаб тош ашёлар топилди. Тилга олинган ҳар иккала ёдгорлик материаллари асосида ҳозирданок айтиш мумкинки, Жанубий Ўзбекистон ҳудудида ўзига хос неолит маданияти ҳукм сурган. Ушбу маданиятнинг асосий хусусияти микроиндустрия ҳамда палеолит даври учун хос бўлган кўпол тош ашёларнинг омукта ҳолатда учрашидир¹⁰.

Тўда-1 ғор макони Бойсун тоғларининг жанубий тизмаларидаги шахобчаларидан бирида, Бойсун шаҳридан 16 км ғарбда шу номли қишлоқнинг ғарбий чеккасида жойлашган. Денгиз сатҳидан баландлиги 1100 м¹¹. Ғорнинг оғзи шарққа қараган, майдони 15x8 м¹². Ғорнинг маданий қатламларидан олинган C¹⁴ усули намуналари уларнинг аралашиб кетганлигини кўрсатди¹³.

Неолит даврининг ўрталарида Ўрта Осиёда содир бўлган кучли тектоник ўзгаришлар ғор томининг қулаб тушишига ва унда катта туйнук ҳосил бўлишига олиб келган. Натижада ушбу туйнукдан оқиб тушган қор-ёмғир сувлари ғорнинг моддий-маданий қолдиқларга эга қатламларини аралаштириб юборган¹⁴.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника қўмитасини Давлат илмий-техник дастурининг I “Жамиятни ривожланиши, давлат ва ҳуқуқ назарияси, иқтисодиётининг рақобатбардошлиги” мавзусидаги йўналишига мувофиқ бажарилди. Ушбу тадқиқот Самарқанд Давлат университети тарих факультетининг “Ўзбекистоннинг энг қадимги, қадимги ва ўрта асрлар даври моддий маданияти: инновациялар ва анъаналар” ўқув-илмий лойиҳаси билан ҳам чамбарчас боғлиқдир.

Тадқиқотнинг мақсади. Тўда-1 ғор маконининг археологик материалларини илмий муомалага киритиш, ёдгорликнинг маданий-даврий хусусиятларини ва бу ерда яшаган ибтидоий жамоаларнинг ижтимоий-иқтисодий ва кундалик турмуш тарзини ҳамда Ўрта Осиё неолити маданиятлари тизимида тутган ўрнини аниқлаш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

⁹Жо Синг, Сайфуллаев Б.Қ. //Грот Тода-1 - новый неолитический памятник на юге Узбекистана. Археология Узбекистана, № (2)17. Самарканд, 2018. -С. 147-156.

¹⁰ Исламов У.И. Пещера Мачай. Ташкент. Изд-во «ФАН» АН РУз. 1975. С. 198.

¹¹Жо Синг, Сайфуллаев Б.Қ. //Грот Тода-1 - новый неолитический памятник на юге Узбекистана. Археология Узбекистана, № (2)17. Самарканд, 2018. -С. 147-156.

¹²Бердикулов М. Тўда-1 неолит макони нуклеуслари (2018 йилги қазишмалар материаллари асосида)// Ўзбекистон археологияси. Самарқанд.2020. № 2(21). -Б. 62-63.

¹³Жо Синг, Сайфуллаев Б.Қ. //Грот Тода-1 - новый неолитический памятник на юге Узбекистана. Археология Узбекистана, № (2)17. Самарканд, 2018. -С. 147-156.

¹⁴Жо Синг, Сайфуллаев Б.Қ., Хасанов М., Бердикулов М.Т.. Тўда-1 ғорида 2019 йилда олиб борилган археологик тадқиқотлар ҳисоботи//ЎзР ФА Археология институти архиви. Ф. Самарқанд. 2020. -С. 30.

-Жанубий Ўзбекистон худуди илк голоцен даври палеоэкологияси ҳақидаги маълумотларни тўплаш ҳамда шу даврга оид ёдгорликларнинг ўрганилиш тарихини яратиш: умумлаштириш ва тизимлаштириш. Археологик тадқиқотлар ёрдамида ёдгорликнинг функционал аҳамиятини аниқлаш.

-Тўда-1 макони тош индустриясини замонавий техник-типологик усуллар ёрдамида тадқиқ қилиш ёрдамида уларнинг таснифи ва тип-варақаларини ишлаб чиқиш, шунингдек маконнинг тош индустрияси тараққиётида хом ашёнинг таъсирини аниқлаш.

-Тўда-1 ғорининг маданий ётқизиқларини радиокарбон, техник-типологик, морфологик усуллар ёрдамида саналаш ҳамда қатламларнинг шаклланиши хусусиятларини стратиграфик тадқиқ қилиш орқали ёдгорликнинг даврини ва Жанубий Ўзбекистон тош даври ёдгорликлари хронологик шкаласидаги ўрнини аниқлаш.

-Тўда-1 макони тош индустриясини техник-типологик усуллар ёрдамида ўрганиш орқали маконнинг қадимги аҳолисининг маданий, ижтимоий-иқтисодий ва кундалик турмуш тарзини ҳамда синхрон коллекциялар билан кенг қиёсий таҳлиллар ёрдамида ёдгорликнинг Ўрта Осиё неолит даври маданиятлари тизимида тутган ўрнини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тўда-1 неолит макони ҳамда Жанубий Ўзбекистоннинг илк голоцен даври ёдгорликлари археологик материаллари хизмат қилган.

Тадқиқотнинг предмети Тўда-1 ғор маконидан топилган археологик ашёлар: тош ва суяк ашёлар, нуклеуслар, пластиналар, қирғичлар, тиглар, тош болталар, маданий сатҳлар ҳамда Ўрта Осиё неолити бўйича чоп этилган илмий ишлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида тадқиқ этилаётган масалаларга тарихий ҳақиқат ва ҳолислик нуктаи-назаридан ёндашилди. Илмий муаммони ўрганиш ва таҳлил қилишда тарихий-фалсафий усуллардан, яъни анализ ва синтез, тизимлаштириш, мавҳумликдан мураккабликка интилиш, қиёсий солиштирма, объектив ҳолатни таҳлил қилиш каби усуллардан фойдаланилган. Шунингдек археологик материалларни ўрганишда технологик (Ж. Пелигрин) ва типологик (А. де Люмлей) усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

- Жанубий Ўзбекистон худуди илк голоцен даврида Тўда-1 ғори мисолида функционал жиҳатдан Ўрта Осиёда сопол ишлаб чиқаришгача бўлган илк неолит даврининг мавсумий қўналгоҳи бўлганлиги аниқланган;

- Тўда-1 макони тош мажмуалари асосида қадимги аҳоли сифатли тош хом ашёсининг танқис шароитларида яшаганликлари, уни иқтисод қилганликлари ва бу ҳолат тош индустриясининг тараққиётига сезиларли таъсир этганлиги исботланган;

- Тўда-1 ғорининг радиокарбон таҳлиллари натижасида қадимдаёқ унгурнинг том қисмида ҳосил бўлган туйнукдан оқиб тушган ёғингарчилик сувлари сабаб маданий қатламнинг аралашиб кетганлиги аниқланган;

- Тўда-1 ғори тош индустриясининг ўзига хос хусусиятлари сифатида кенг зарб майдондан тановорларнинг энсиз томонларидан калта пропорцияли учириндилар чақмоқлаб олиш анъанаси мавжуд бўлганлиги далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

Диссертациянинг амалий аҳамияти Тўда-1 неолит маконининг очилиши ва илмий муомалага киритилиши бўлиб, у Жанубий Ўзбекистоннинг неолит даври тарихини бойитади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги: Тадқиқотда 2017-2019 йилларда Ўзбекистон-Хитой халқаро ҳамкор экспедицияси томонидан Тўда-1 ғор маконинида қўлга киритилган археологик материаллардан, дунёнинг энг илғор типологик ва технологик тадқиқот усулларидан, тарихий ва археологик илмий адабиётлардан фойдаланилганлиги ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Жанубий Ўзбекистонда янги тош даври тарихи илк маротаба умумлашган ҳолда тадқиқ қилинган ва уларнинг маданий-даврий талқини яратилган. Ушбу илмий иш Ўрта Осиёдаги тош даври археологияси бўйича тўпланаётган манбашунослик базасини янада кенгайтирган. Илмий ишнинг натижаларидан Ватанимиздаги тарих ва археология музейлари кўргазмаларида сақланаётган ашёвий манбаларнинг маданий-даврий талқинларига аниқликлар киритишда фойдаланилиши мумкин. Шунингдек, диссертация натижаларидан нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё тарихи ва археологиясининг махсус бобларини, бундан ташқари, Олий ўқув юртлари гуманитар соҳалари талабалари учун махсус курслар ва ўқув қўлланмалар тайёрлашда фойдаланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалиётга тадбиқ қилиниши. Тўда-1 макони тош индустриясини техник-типологик ўрганиш жараёнида қўлга киритилган илмий натижалар асосида:

Жанубий Ўзбекистон ҳудуди илк голоцен даврида Тўда-1 ғори мисолида функционал жиҳатдан Ўрта Осиёда сопол ишлаб чиқаришгача бўлган илк неолит даврининг мавсумий қўналгоҳи бўлганлиги, шунингдек Тўда-1 макони тош мажмуалари асосида қадимги аҳоли сифатли тош хом ашёсининг танқис шароитларида яшаганликлари, уни иқтисод қилганликлари ва бу ҳолат тош индустриясининг тараққиётига сезиларли таъсир этганлиги тўғрисидаги хулосалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси тизимидаги “Ўзбекистон тарихи” телеканалда “Тақдимот” кўрсатувини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2022 йил 25 апрелдаги 02-31-769-сон маълумотномаси). Кўрсатувлар телетомошабинларга тош даврида яшаган ибтидоий одамларнинг тарихи,

моддий ва маданий ҳаётини ўрганишларида муҳим манба бўлиб хизмат қилган;

Тўда-1 ғорининг радиокарбон таҳлиллари натижасида қадимдаёқ унгурнинг том қисмида ҳосил бўлган туйнукдан оқиб тушган ёғингарчилик сувлари сабаб маданий қатламнинг аралашиб кетганлиги, шунингдек Тўда-1 ғори тош индустриясининг ўзига хос хусусиятлари сифатида кенг зарб майдондан тановорларнинг энсиз томонларидан калта пропорцияли учириндилар чакмоқлаб олиш анъанаси мавжуд бўлган материаллардан Сурхондарё вилояти Археология музейида воҳанинг энг қадимги тарихи бўйича кўрғазмалар ташкил қилишда кенг фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлигининг 2022 йил 31 мартдаги 01-12/809-сон маълумотномаси). Натижада, санаб ўтилган ашёлар музей экспонатлари қаторидан ўрин олиб, ташриф буюрувчиларга Жанубий Ўзбекистон худудида яшаган янги тош даври аҳолисининг ҳаёт тарзи, тошга ишлов бериш технологиялари, хўжалиги ва маданий ҳаёти тўғрисида тўлиқ тасаввурлар берувчи манба бўлиб хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та илмий конференцияларда, шундан 3 таси республика ва 2 таси халқаро илмий-амалий конференцияларда ва семинарларда ҳамда 3 марта йиллик ҳисобот сессияларида маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг нашр қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 6 та илмий иш, жумладан, Олий аттестация комиссияси тавсия этган илмий нашрларда 6 та мақола (хусусан, 5 та республика ва 1 та хориж журналларида) эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми 123 бет матндан, жумладан, 4 та боб, кириш ва хулоса қисмларидан, 42 бет иллюстратив материаллардан иборат альбомдан, фойдаланилган адабиётлар ҳамда қисқартмалар рўйхатларидан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, зарурати, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишлари билан боғлиқлиги, ўрганилганлик даражаси, диссертациянинг мақсади, вазифалари, илмий янгилиги, амалий натижалари, амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган илмий ишлар тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг I боби «**Жанубий Ўзбекистоннинг илк голоцен даври палеоэкологияси ва археологик ёдгорликларининг ўрганилиш тарихи**», деб номланади ва у иккита параграфдан иборат.

I.1. Жанубий Ўзбекистоннинг илк голоцен даври палеоэкологияси. Жанубий Ўзбекистон, хусусан, Сурхондарё воҳаси илк голоцен даври палеоэкологияси деярли ўрганилмаган. Бу ҳақда айрим адабиётларда узук-юлуқ маълумотларгина учрайди. Голоцен даври Вюрм музлигидан кейин, бундан 10 минг йиллар аввал бошланиб, ҳозиргача давом этаётган даврдир. Голоценда турли иқлим босқичлари бирин-кетин алмашилиб турган. Голоцен

давридан бошлаб қуруқлик ва денгизлар ҳозирги кўринишига эга бўлган. Голоценнинг 3/2 қисми тарихий даврга тўғри келади.

Дастлабки босқичда яъни мил. авв. 10 000-8500 йиллар давомида иқлим субтропик бўлиб, палеолит даври иқлимига анча яқин бўлган. Кейинчалик милоддан аввалги 8500-5000 йиллар давомида қуруқ иқлим шакллана бошлаган. Жанубда иқлим яхшиланиб, бу даврда кўплаб шохли ҳайвонлар ва яшил ўсимликлар тарқалади.

Жанубий Ўзбекистон учун тоғ тизмалари ва дарё водийларининг биргаликда келиши хосдир.

Амударёнинг Сурхондарёдан кейинги энг йирик ирмоғи бўлган Шерободдарёнинг ўрта оқими водийга чиқади. У Бойсунтоғдаги Мачайдарёдан (Турғандарё) бошланади.

Сурхондарёнинг илк голоцен даври палеоэкологиясига оид маълумотлар Бойсун туманидаги Мачай ғори материаллари асосида ўрганилган. 1970-1971 йиллардаги қазилар ишлари жараёнида бой остеологик материаллар қўлга киритилган. Г.В. Парфенов қазиларидан олинган ва ҳозирда Сурхондарё музейида сақланаётган материаллар ҳам кам эмас¹⁵.

Коллекция 3066 та суякдан иборат бўлиб, улар 20 турдаги умуртқали ҳайвонлар: сут эмизувчилар, судралиб юрвчи-рептилиялар ва қушларга тегишли. Суяклар яхши сақланмаган, уларнинг кўпчилиги уваланиб кетган ва бу одам омили билан боғлиқдир. Одамлар уларни нафақат илиги, балки қуруқлар яшаш учун ҳам синдирганлар. Коллекцияда, асосан, найсимон суякларнинг бўлаклари учрайди.

Мачай ғори, Шеробод маконлари, Зараутсой суратлари, Биттик-Чашма ва Соя-Булоқ ғорлари ва Боботоғ қоятош¹⁶ суратларининг мавжудлиги Амударёнинг ўнг соҳилида ва Боботоғда тоғ эчкилари, архарлар, бурама шохли эчкилар, жайрон (ҳозирда ҳам Боботоғда яшайди), ёввойи хўкизлар, эҳтимол, ёввойи отлар, бақтрия ёки бухоро буғуларининг ўтмишдошлари ва ёввойи тўнғизларнинг кенг захиралари яшаганлигидан далолат беради. Тўқайзорларнинг бой ва турли-туман ҳайвонлари бу ерда яшаган илк голоцен даври одамнинг ов объекти бўлган.

1.2. Жанубий Ўзбекистоннинг илк голоцен даври археологик ёдгорликларининг ўрганилиш тарихи. Жанубий Ўзбекистондаги тош даври ёдгорликларини тизимли ва планли ўрганиш ишлари асосан, 1938 йилда, Тешик-тош ғорининг очилиши билан бошланган. 1937 йилда А.П. Окладников бошчилигида Жанубий Ўзбекистондаги тош даври ёдгорликларини ўрганиш бўйича ташкил қилинган археологик гуруҳ томонидан қизиқарли топилмажойлар (Тешик-тош, Амир-Темур, Заранчак-Гут, Дўкан-Хона) аниқланган¹⁷.

¹⁵Батыров Б.Х. Фауна пещеры Мачай // вопросы археологии и морфология животных. Труды СамГУ. Самарканд, 1978. Вып. 351. -С. 20-29.

¹⁶Формозов А.А. Книга о древней наскальной живописи в Узбекистане. – СЭ, 1957, №3. –С. 48-59. Формозов А.А. О наскальных изображениях Зараут-Камара в ущелье Зараутсай. - СА, 1966, № 4. –С. 37-49.

¹⁷Окладников А.П. Исследование палеолитической пещеры Тешик-Таша. (Предварительное сообщение). ТУЗФ АН СССР, сер. 1, вып. 1. 1940. -С. 24; Окладников А.П. Исследование мустьерской стоянки и погребения неандертальца в гроте Тешик-Таш, Южный Узбекистан. (Средняя Азия). В сб.: Тешпк-Таш,

Археологик адабиётларда қадимги Айритом шаҳар харобаси ҳудудидан топилган мезолит даврига оид топилмалар ҳақида кўп таъкидланган¹⁸.

1933 йилда М.Е. Массон бошчилигида махсус Айритом экспедицияси ташкил қилинди. Ушбу экспедиция аъзоси Я.Ф. Гуломов шаҳар харобасидан кучли патинизациялашган, бироқ аниқ ишлов берилганлик изларига эга бўлган пластиналарни йиғиб олади. М.Е. Массон, А.П. Окладников ва М.Э. Воронецлар ушбу пластиналарнинг қирғичлар сифатида ишлатилганлигини ва мезолитга оидлигини яқдиллик билан такидлашган¹⁹.

Айритомнинг кремний қуроолларини тахлили А.П. Окладниковнинг “Айритомда мезолит ёки палеолитнинг сўнггига оид макон қолдиқлари топилади” деган фикрини тасдиқлайди²⁰.

Айритом материаллари сўнгги маротаба Ў.И. Исломов томонидан ҳам ўрганилган ва коллекцияда узунчоқ учириндилар ва тош синиқларидан ҳамда пластиналардан ишланган кертиб ишланган қурооллар ҳам ажратилган²¹.

Бойсунтоғдаги Мачайдара даставвал 1931-1934-йилларда тадқиқотлар ўтказилган ва Г.В. Парфенов бу ерда қатор ҳарсанг айвонларни ўрганган. Мачай ғорини қазिश ишлари унинг томонидан 1938-1942-йилларда амалга оширилган. Мачай ғор маконида кейинчалик тадқиқотчилардан М.Э. Воронец ва А.П. Окладниковлар томонидан иккита маданий қатлам аниқланган: қуйи қатлам – мустье, юқори қатлам – мезолит даврлари билан саналанган²².

1970-1971-йилларда Ў.И. Исломов бошчилигидаги Сурхондарё палеолитчилар гуруҳи Мачай ғорида қазिश ишларини олиб борди²³.

Бу даврда тош қуроолларнинг типологияси ва радиокарбон маълумотларига асосланиб, Мачай ғорини саналашга ҳаракат қилинган. Радиокарбон (C^{14}) бўйича ғорни юқори қатламининг абсолют санаси 7550 ± 110 йил. Мачай ғоридан топилган қирғичлар, турли ҳажмлардаги кўплаб учириндилар ва қайроқтошли қурооллар Туткавул²⁴, Ошхона²⁵ ва Сай-Сайёд²⁶ маконларида аналогияларга эга.

М.1949. -С. 128; Окладников А.П. Амир-Темир — новый памятник каменного века в горах Байсунтау (Узбекистан). КСИИМК, вып. 6. 1940. -С. 67.

¹⁸Массон М.Е., Археологические исследования в Узбекистане, сб. “Наука в Узбекистане за 15 лет (1924-1939)”, Ташкент, 1939.- С. 111; Он же, Термезская археологическая комплексная экспедиция, Труды УзФАН, серия 1, история археология, ТАКЭ, 1936, вып. 2, Ташкент, 1941. С. 68-69; Окладников А.П., Следы каменного века в районе Термеза, Труды АН УзССР, серия 1, история, археология, ТАКЭ, т. 2, Ташкент, 1945. -С. 13; Массон М.Е., Работы ТАКЭ 1937 и 1938 гг.; -С. 4; Он же, ТАКЭ, КСИИМК, вып. 8, 1940. -С. 115; История народов Узбекистана, т. 1, Ташкент, 1950. -С. 26-27.

¹⁹Топилмалар ЎзР ФА Ўзбекистон тарихи музейида сақланмоқда.

²⁰Окладников А.П. Следы каменного века в районе Термеза, Труды АН УзССР, серия 1, история, археология, ТАКЭ, т. 2, Ташкент, 1945. -С.13.

²¹Исламов У.И. Пещера Мачай. Ташкент. Изд-во «ФАН» АН РУз. 1975. -С. 12.

²²Окладников А.П. Следы каменного века в районе Термеза. Тр. АН УзССР, сер. 1, История, археология. ТТАКЭ, т. 2, Ташкент. 1945. -С. 14.

²³Исламов У.И. Результаты раскопок пещерных стоянок мезолитического времени в Узбекистане. В кн.: Успехи Среднеазиатской археологии. В. 1. Л. 1972. -С. 31-32.

²⁴Ранов В.А., Коробкова Г.Ф. Туткаул – многослойное поселение гиссарской культуры в Южном Таджикистане. СА, №2. рис. 5. 1971. -133-161.

²⁵Ранов В.А. Древности Кайрак-Кумов (Древнейшая история Сев. Таджикистана). Душанбе. 1962. -С. 404.

²⁶Юсупова А. Итоги изучения неолитического поселения в среднем течении р. Вахш. Каменный век Средней Азии и Казахстана. (ТД совещаний). Ташкент. 1972. -С. 21-24.

Бошқа бир топилмажой Шеробод туманидан топилган. Унинг номи Каттиқ-Қамиш. 1971-йилда Ў.И. Исломов Жанубий Кўҳитанг ва Оқтош тоғларида қидирув ишларини олиб борган. Оқтош тоғларида кремний конлари мавжуд бўлиб, майдони 10 км га чўзилган. Бу ердан 3 та топилмажой аниқланган ва улар устахоналар деб талқин қилинган²⁷.

Шундай қилиб, Жанубий Ўзбекистондан топилган ёдгорликлар бу ҳудудларнинг илк голоцен даври тарихи ҳақидаги тасаввурларимизни янада бойитади²⁸.

II БОБ. Тўда-1 неолит макони индустриясида тошларни чақмоқлаш техникаси.

Тўда-1 ғоридан қўлга киритилган тош ашёлар орасида (жами-678 та) нуклеуслар ва нуклеуссимон бўлақлар (41 та, 6,1 %), турли ҳажмдаги учириндилар (507 та, 74,8 %) ва улар орасида техник йўнилғилар (61 та) ҳамда пластиналар-127 та (пластина-30 та - 4,4 %, пластинкалар-76 та – 11,2 %, микропластинкалар-21 та – 3,1 %) аниқланди. Тош қуроллардан биттаси қайроқтошдан ва яна иккитаси тош плиткалардан ишланган (3%). Тўпландаги йўнилғилардан 88 таси тош қуролларга айлантирилган.

Ёдгорликдан жами 16 турдаги тош қуроллар ва атиги 3 та майда шохли ҳайвон суякларидан ишланган тери пардозлагичлар аниқланди.

II. 1. Тўда-1 неолит макони нуклеуслари. Тўпланда нуклеуслар кўп эмас. Уларнинг деярли барчаси кремний бўлмаган тош жинсларидан ишланган. Коллекциянинг нуклеусларини бир қатор типологик гуруҳларга ажратиш мумкин.

Тўда-1 ғоридан топилган нуклеуслар архаик кўринишга эга. Материаллар сонининг камлиги сабабли статистик таҳлиллар амалга оширилмади. Ёдгорликда ҳукм сурган техник анъаналарга келадиган бўлсак, айтиш мумкинки, маконда авваломбор, кенг зарб майдондан, тановорларнинг энсиз томонлари периферияси бўйлаб калта пропорцияли учириндилар чақмоқлаб олиш анъанаси ҳукм сурган. Ушбу чақмоқлаш усулида чақмоқланган ўзак тошлар ишланиш босқичлари мобайнида кичрайиб борган ва сўнгра бир-икки зарб майдонли, ортогонал ёки атипик конуссимон синдириш усулларига ўсиб ўтган. Маконда нуклеусларга ишлов беришдан асосий мақсад калта ва баъзан узунчоқ пропорцияли учириндилар қўлга киритишга қаратилган.

Тўпланда айрим микронуклеуслар ҳам мавжуд бўлиб, улар воситачи ёки эзиб синдириш техникалари ёрдамида ишлов берилган ва микропластинкалар қўлга киритишга мўлжалланган.

Тўда-1 макони нуклеуслари ёдгорликда ишлов берилган барча тош ва суяк ашёларнинг 6 % ни ташкил қилади. Нуклеуслар аксарият қисми зарб майдонларининг орқа тарафларига ўта қиялашганлигини ҳисобга олиб, айтиш мумкинки, ёдгорликда тошларни чақмоқлашда енгил тош ушатғичлар

²⁷ Исломов У.И. Пещера Мачай. Ташкент. Изд-во «ФАН» АН РУз. 1975. -С. 14.

²⁸ Бердикулов. М.Т., Абдуллаев Ш. Сурхондарё вилояти тош даври археологиясининг ўрганилиш тарихидан. Ўрта Осиё қадимги ва ўрта аср маданиятларининг ўзаро алоқадорлиги: меросийлик ва инновация. Республика илмий-амалий конференция материаллари. Самарканд, 2019. –С. 34-37.

ҳам муҳим ўрин тутган. Коллекциянинг нуклеуслари унинг йўнилғиларига тўлиқ мос келади²⁹.

II.2. Тўда-1 неолит макони учириндилари. Тўда-1 неолит макони коллекциясида учириндилар 507 та бўлиб, улар барча ишлов берилган тош ашёларнинг қарийб 4/3 қисмини ташкил қилади (74,8 %). Тўпламнинг учириндилари ҳажмига кўра (йирик учириндилар – 7 см дан йирик; ўрта ҳажмли учириндилар - 3-7 см; майда ҳажмли учириндилар - 1-3 см) йирик, ўрта ва майда ҳажмиларга ажратилди. Бундай ўлчамларни амалга оширишда учириндиларнинг чақмоқланиш ўқига нисбатан эмас, балки асосий узунлиги ва эни ҳисобга олинди. Натижада коллекциянинг учириндилари йирик (1 та), ўрта (212 та), майда (269 та) учириндилар ва ҳажми 1 см гача бўлган пайрахаларга (25 та) ажратилди³⁰.

Таъкидлаш жоизки, қатламлардан олинган тош ашёлар эволюцион ўзгаришларни бер мади ва буни маданий сатҳлардан олинган абсолют саналар ҳам тасдиқлайди. Шунинг учун археологик материаллар умумлаштирилган ҳолда ўрганилди. Коллекциянинг учириндиларидан 38 тасигина иккиламчи ишлов берилган.

Тўда-1 неолит макони учириндилари зарб майдончаларининг таснифи. Ёдгорликнинг 507 та учириндиларидан 259 таси ўз зарб майдончаларини сақлаб қолган (52 %). Учириндиларнинг зарб майдончаларини тайёрлашда, асосан, узунасига текислаш амалиёти кенг қўлланилган (85,3 %). Зарб майдончаларнинг 14,7 % гина кўндаланг йўнишлар ёрдамида текисланган. Зарб майдончаларнинг типларига кўра тўпламда асосий ўринни текис турдагилар эгаллайди (52,9 %). Шунингдек коллекция учириндилари орасида бир нечта рахлаштирилган (12,7 %), чизиксимон (8,5 %), икки рахли (9,7 %), икки қиррали (8,5 %), нуқтасимон (2,7 %) ва табиий юзали (5 %) зарб майдончалилари ҳам учрайди.

Тўда-1 маконида учириндилар тайёрлаш ишлаб чиқариш характериға эга бўлган ва асосан, ўрта ҳамда майда ҳажмли, калта пропорцияли учириндилар чақмоқлаб олинган³¹.

II. 3. Тўда-1 неолит макони техник йўнилғилари. Тўда-1 неолит макони учириндилари орасида бир қатор техник йўнилғилар ҳам мавжуд. Улар ёдгорликда тошга ишлов бериш ишлари маконнинг ўзида амалга оширилганлиги ҳақида гувоҳлик берибгина қолмасдан, техник жараёнларни ҳам англаш имконини беради. Техник йўнилғилар тўпламдаги барча учириндиларнинг 12 % ни ташкил қилади. Бу тоифадаги йўнилғилар орасида Сире типдаги *accident* (тош синдирилаётганда нотўғри зарб ёки хом ашёнинг ички тузилиши билан боғлиқ равишда нотўғри синиб қолган

²⁹ Sayfullayev B.K., Berdiqulov M.T., O'ngalov L.A./ Cores of the Neolithic Grotto of Toda-1 (Based on 2018 Excavations)/ Jour of Adv Research in Dynamical & Control Systems, Vol. 12, 07-Special Issue, 2020. P. 2697-2702. DOI: 10.5373/JARDCS/V12SP7/20202407 ISSN 1943-023X 2702 Received: 25 May 2020/Accepted: 25 June 2020.

³⁰ Бердикулов М.Т. Тўда-1 неолит макони учириндилари. Ўзбекистон археологиясининг долзарб масалалари (Республика илмий конференция материаллари). Самарканд, 2022. –С. 51-53.

³¹ Бердикулов М.Т. Тўда-1 неолит макони йўнилғилари (2019 йилги қазिशмалар материаллари асосида). Ўзбекистон Археологияси. № 1 (24). Самарканд, 2021. –С. 85-94.

йўнилғи) учириндилар асосий ўрин тутди (33 та). Коллекцияда нуклеусларнинг қирраларини текислашдан (13 та), зарб майдонини янгилашдан ҳосил бўлган йўнилғилар (3 та), таблет типига (1 та) ва қозиксимон микронуклеуснинг дистал учини янгилашдан (1 та), *flanc* (нуклеуснинг пешона қисми) типига йўнилғилар (4 та), икки қарама-қарши зарб майдонли нуклеуснинг иш юзасини янгилашдан ҳосил бўлган йўнилғилар (2 та) ва ушатғичлардан синиб қолган (4 та) техник йўнилғилар ҳам мавжуд³².

II. 4. Тўда-1 неолит макони пластина, пластинка ва микропластинкалари. Тўда-1 неолит маконида пластина, пластинка ва микропластинкалар ишлаб чиқариш ҳам катта ўрин тутган. Бундай ашёлар ёдгорликда мавжуд жами йўнилғиларнинг (127 та) 20 % ини ташкил қилади.

Пластина, пластинка ва микропластинкалар чақмоқлаб олишда асосий ўринни текис зарб майдончалилар эгаллайди (21 та). Шунингдек, бу борада кейинги поғоналарни икки рахли (18 та) ҳамда бир нечта рахлаштирилган (13 та) зарб майдончаларга ҳам катта эътибор берилган. Кейинги ўринларни икки қиррали (6 та), чизиксимон (6 та) ва нуқтасимон (5 та) зарб майдончалилар эгаллайди.

Тошларни чақмоқлашда оғир тош ушатғичлардан кенг фойдаланилган ва бу ҳақда улар ёрдамида кучли зарб бериш оқибатида ҳосил бўладиган Сире типига *accident* йўнилғилар сериялари гувоҳлик беради. Шунингдек ёдгорликда енгил тош ушатғичлар ҳам қўлланилган. Бу ҳақда ушатғичлардан синиб қолган техник йўнилғиларнинг енгил тош турларига мансублиги, айрим учириндилар зарб майдончалари асосий бурчакларининг ўткирлиги (85⁰ градусдан пастлиги), зарб майдончаларнинг ички томонларида “лабча”ларининг мавжудлиги ҳамда профилларининг қайрилганлиги гувоҳлик беради.

Тўпламдаги микропластинкалар эса воситачи ҳамда эзиш техникалари ёрдамида чақмоқлаб олинган.

III БОБ. Тўда-1 неолит макони тош қуроллари ва хом ашё масаласи.

III.1. Тўда-1 неолит маконининг тош қуроллари таснифи. Тўда-1 неолит маконининг тош ва суяк қуроллари кам сонли бўлсада (91 та), улар орасида қуролларнинг 16 хил турлари учрайди (жадвал №1).

Жадвал №1. Тўда-1 неолит макони тош қуролларининг тип-варақаси

№	Тип	Сони
1	Леваллуа тиф	1
2	Тиф	1
3	Ретушланган учириндилар	7
4	Қирғич	1
5	Исканасимон қурол	1

³² Бердикулов. М.Т. Тўда-1 неолит макони техник йўнилғилари (2019 йил қазишма материаллари асосида). “Евросийнинг Осиё қисми қадимги ва ўрта асрлар маданияти” мавзусидаги профессор Нона Армаисовна Аванесова таваллудининг 80 йиллиги юбилейи ва 50 йиллик илмий-педагогик фаолиятига бағишланган. Халқаро илмий-амалий конференция. Самарканд, 2021. –С. 65-68.

6	Қирғиччалар	5
7	Тош бигизлар	2
8	Кесгичлар	15
9	Тишсимон қуроллар (учириндилар)	3
10	Пластина ва пластинкалардан ишланган тишсимон қуроллар	3
11	Ретушланган пластиналар	14
12	Ретушланган пластинкалар	26
13	Ретушланган микропластинкалар	4
14	Геометрик қурол	1
15	Композит қурол	1
16	Тош болталар	3
17	Суякдан ишланган тери пардозлагичлар	3
	Жами:	91

Тўда-1 маконида учириндилардан, асосан, кесгичлар, қирғиччалар ва ретушланган учириндилар ишлаб чиқарилган бўлса, пластиналарнинг аксарияти ўйиб-кертиб ишланган ва майда ретушланган қуроллар ясада фойдаланилган.

Тўда-1 ғоридан тоғ эчкиларининг найсимон суякларидан ишланган 3 та тери пардозлагичлар топилди. Уларнинг ташқи қисми синчиклаб пардозланган, учлари ўткирларган. Ҳажмлари 15-20 см узунликка ва эни 3-4 см. Бундай суяк ашёлар Ўрта Осиёнинг неолит даврига оид Жойтун³³, Қалтаминор³⁴ ва Сазағон³⁵ ёдгорликларидан ҳамда Мачай ғоридан³⁶ ҳам топилган.

Ретушларининг турларига кўра Тўда-1 ғори тош қуроллари орасида микроретушлар (25 та) катта ўрин эгаллайди. Кейинги поғоналарни кесгичсимон (16 та), ярим тик (15 та) ва ординар (14 та) ретушли қуроллар эгаллайди. Тўпламда тишсимон ва утилизацион ретушли ашёлар нисбати бир хилда (9 тадан). Шунингдек, ашёлар орасида кам сонли юпқа ретушли қуроллар (6 та) ҳам мавжуд. Ўйиб-кертиклаш фақатгина тош бигизларнинг нишларини ажратиш мақсадида амалга оширилган (4 та). Тўда-1 макони тош қуролларига ишлов бериш, асосан, йўнилғиларнинг дорсалига йўналган ретушлаш анъанаси ёрдамида амалга оширилган³⁷.

III.2. Тўда-1 неолит макони тош индустриясида хом ашё масаласи.

Тўда-1 ғоридан топилган иккиламчи ишлов берилган тош қуроллар 8 хил хом ашёлардан ишланган. Тош қуроллар орасида 36 таси жигарранг

³³ Массон В.М. Поселение Джайтун (Проблема становления производящей экономики) // МИА, №180. Л. 1971. -С. 209.

³⁴ Виноградов В.А. Охотники и рыболовы Среднеазиатского междуречья. М., «Наука», 1981. -С.76.

³⁵ Холматов Н.Ў. Ўзбекистон неолит жамоалари моддий маданияти. Тошкент, Фан, 2008. -Б 84. Холматов Н.Ў. Сазағон маданияти ва унинг Ўзбекистон неолит даврида тутган ўрни. Самарқанд, СамДУ, нашри, 2020. -Б. 3-325.

³⁶ Исламов У.И. Пещера Мачай. Ташкент. Изд-во «ФАН» АН РУз. 1975. -С. 175.

³⁷ Бердикулов М.Т. Тўда-1 неолит макони тош қуроллари (2017-2018 йиллардаги казишма материаллари асосида). Ўтмишга назар. 3 - махсус сон. Тошкент 2020 doi <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-si-3>. Тошкент. -Б. -С. 197-204.

кремнийдан шакллантирилган. Қуролларни тайёрлашда қўлланилган хом ашёлар ўртасида мақсадли тақсимот кузатилади. Масалан, жигарранг кремнийдан, асосан, пластинкалар (15 та) ва баъзан пластиналар (4 та) чақмоқлаб олинган ва иккиламчи ишлов берилиб, қуролларга айланттирилган. Шунингдек, тўпламдаги оддий кесгичларнинг бир қисми (5 та), тишсимон ретушли пластина ва пластинкалар (2 та), биттадан композит (битта тошда 2 та ёки ундан ортиқ қуроллар қирраларига эга бўлган қурол) қурол, геометрик трапеция, тош бигизлар (2 та) ва тиглар (2 та) ушбу тош жинсидан шакллантирилган. Тўпламдаги атипик қирғиччалар эса, асосан, жигарранг кремнийлардан ишланган (4 та).

Маконда тош қуроллар ишлаб чиқаришда кремнийлашган оҳактош жигарранг кремний билан барабар нисбатда қўлланилган (36 та). Тўпламдаги кремнийлашган оҳактошли ретушланган пластина (5 та), пластинка (5 та) ва микропластинкаларнинг (3 та) ўта сифатли ёки кучли даражада кремнийлашганларидан ишланган. Бундан ташқари, кремнийлашган оҳактошдан кесгичларнинг катта қисми (10 та), ретушланган учириндилар (4 та), тишсимон ретушли учириндилар (3 та), қирғич (1 та), исканасимон қурол (1 та) ва қирғичча (1 та) ишлаб чиқарилган. Тўпламда кремнийлашган оҳактошлардан макроқуроллар – тош болталар ҳам ишланган (2 та).

Тўда-1 ғори индустриясининг хом ашё базасида кейинги поғонани доломит тошлар эгаллайди. Улардан (жами 13 та) ретушланган пластинка (6 та) ва пластинкалар (5 та), шунингдек ретушланган учириндилар (2 та) ишлаб чиқарилган. Ушбу тош жинси ҳам Тўда-1 ғори атрофидаги тоғларда учрайди ва баъзан сифат жиҳатидан кремнийлашган оҳактошлардан қолишмайди. Доломитдан ҳам кремний маҳсулотларининг танқислигини тўлдириш мақсадида фойдаланилган.

Тўда-1 ғори тош қуролларини ясашда биттадан яшил кремний (ретушланган микропластинка), халцедон (ретушланган учиринди) ва яшмадан (силлиқланган болта) фойдаланилган. Яшил кремний ва халцедон жигарранг кремний олиб келинган конлардан келтирилган бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, айтиш мумкинки, тўдалик янги тош даврида яшаган аждодларимиз ишлов бериш учун яроқли бўлган сифатли хом ашёни доимий қидирувда, шунингдек кремнийнинг танқис шароитларида яшаганлар. Ёдгорликнинг тош индустриясида кремний хом ашёсининг палеоиктисод қилинганлиги яққол кўзга ташланади ва бу ушбу тош жинсининг олис масофадан ташиб келтирилганлиги, кичик ҳажмли қайроқтошлар шаклидалиги билан боғлиқ.

Тўда-1 неолит макони нуклеуслари хом ашёсининг таснифи. Ёдгорликда 41 та нуклеус ва нуклеуссимон бўлақлар аниқланди ва бу жами ишлов берилган тош ашёларнинг 6,1 % ни ташкил қилади. Кремний ва кремнийлашган нуклеусларнинг архаик шакллари бир томондан, ёдгорликда қўлланилган хом ашё базаси сифатининг пастлиги билан, иккинчи томондан, маконда учириндилар ишлаб чиқариш катта ўрин эгаллаганлиги билан тушунтирилиши мумкин. Коллекцияда сифатли хом ашёдан ишланган

нуклеусларнинг (жигарранг кремний, кучли кремнийлашган оҳактош) ҳаддан ташқари ишлов берилганлиги маконда сифатли материалларнинг танқис шароитлари ҳукм сурганлигидан далолат беради.

Ёдгорликнинг сақланиб қолган нуклеуслари, асосан, кремнийлашган оҳактошлар (19 та) ва доломитлардан (18 та) ишланган. Баъзан жигарранг кремний (3 та) ва кулранг кремнийдан (1 та) ишланган сийқаси чиққан ёки ҳаддан ташқари ишлов берилганлари ҳам учрайди. Яшма, халцедон, яшил кремний ва қайроқтошдан ишланган нуклеуслар аниқланмади.

Тўпламнинг нуклеуслари ишланиш техникаси ва чақмоқлаш анъаналарига кўра унинг йўнилғиларига мос келсада, улар микдорий жиҳатдан диспропорцияга эга. Негаки, коллекцияда жигарранг кремнийлардан ишланган пластина, пластинка ва микропластинкалар талайгина. Аммо ушбу йўнилғиларга мос келадиган нуклеуслар учрамайди. Бунинг сабаби, эҳтимол, тўдалиқлар сифатли кремний хом ашёсининг танқис шароитларида яшаганликлари билан изоҳланади. Биринчидан, кремний олис масофадан ташиб келтирилган; иккинчидан ташиб келинган кремний (асосан, жигарранг кремний) кичик ҳажмли қайроқтошлар шаклида бўлган. Шунинг учун ҳам, эҳтимол, тўдалиқ усталар кремний хом ашёсини чақмоқлаб бўлганларидан кейин, улардан имкон қадар кўпроқ фойдаланиш мақсадида бирон-бир қуролга айлантириб юборганлар. Бундан ташқари, тўдалиқ усталар яқин атрофда кўплаб учрайдиган кучли кремнийлашган оҳактош ва доломит жинсларидан ҳам кремнийлардан қолишмайдиган йўнилғилар чақмоқлаб олиш имкониятига эга бўлганлар ва улар ёрдамида кремний танқислигини ўрнини тўлдирганлар.

Тўда-1 неолит макони учириндилари хом ашёсининг таснифи. Тўда-1 неолит макони тош индустриясининг қарийб 4/3 қисмини учириндилар ташкил қилади (507 та – 74,8 %). Ёдгорликда, асосан, ўрта ва кичик ҳажмли учириндилар чақмоқлаш анъанаси ҳукм сурган.

Тўда-1 неолит макони учириндиларини ишлаб чиқаришда 6 хил тош жинсларидан фойдаланилган. Жигарранг кремний (айрим сланецли ҳамда халцедон жинслар ҳам) эҳтимол, Г.В. Парфенов таъкидлаганидек, Турғондарёнинг чап оқимидаги (Шерободдарё) Чақмоқтошсойдан кичик қайроқтошлар шаклида келтирилган. У Мачай қишлоғидан тахминан 6 км шимолий-шарқда жойлашган. Бу жойга 1931-йилда ташриф буюрилганда қадимги ўра-шахталарнинг қолдиқлари кузатилган ва улардан кремний қайроқтошлар бўр даври катламларидан қазиб олинган³⁸.

Қолган тош жинслари (кремнийлашган оҳактош, доломит, қайроқтош) ғорнинг атрофидан ва макондан қуйироқда жойлашган сой ўзанидан танлов асосида йиғиб олиб келинган. Айниқса, қадимги тўдалиқлар кремнийлашган оҳактошнинг ўта кучли кремнийлашганларини танлаб олганлар ва тош ашёлар ишлаб чиқаришда кенг қўллаганлар. Ушбу тош жинси қоялари ёдгорлик атрофидаги тоғларда кўплаб учрайди ва сифатига кўра кремнийларга яқин. Шунинг учун ҳам учириндиларнинг асосий қисми

³⁸ Парфенов Г.В. Следы древних культур на городище Айртам. Ташкент. ИМКУ №2. 1961. -С. 69.

улардан тайёрланган (68,8 %). Хом ашёвий таркибига кўра тўпламнинг учириндилари орасида кейинги поғонани доломит эгаллайди (18,5 %). Қайроқтошлар эса фақат қуйидаги сойнинг ўзанида учрайди. Шунингдек, учириндилар орасида кам сонли кремнийлашган сланец (2 та) ва ягона халцедон ҳам мавжуд.

Тўда-1 макони пластиналарининг хом ашё таркиби. Тўда-1 макони индустриясида пластиналар ишлаб чиқаришда 6 хил хом ашёлардан фойдаланилган (127 та – 20 %) ва улар асосан кремнийлашган оҳактош (63 та) ва жигаррангли кремнийдан (48 та) ишлаб чиқарилган. Шунингдек яшил кремний (4 та) ва доломитдан (11 та) ишланган пластиналар ҳам мавжуд. Тўплам пластиналаридан 47 таси қуролларга айлантирилган.

Барча пластина йўнилғилар орасида пластинкалар катта ўрин эгаллайди (76 та). Уларни тайёрлашда, асосан, кремнийлашган оҳактош (38 та) ва жигарранг кремнийлардан (26 та) Шунингдек, тўпламнинг пластинкалари қисман доломитдан (8 та) ҳам ишланган. Пластинкалар орасида кам сонли яшил кремний (3 та) ва қумли сланец (1 та) ҳам учрайди.

Коллекциянинг микропластинкалари (21 та), асосан, кучли кремнийлашган оҳактошлардан (15) ишланган. Бу борада кейинги поғонани жигарранг кремний эгаллайди (4 та). Шунингдек, тўпламнинг микропластинкалари орасида биттадан яшил кремний ва доломит учрайди.

Кўриниб турибдики, пластина, пластинка ва микропластинкалар ишлаб чиқаришда кўпроқ кремний (48 та) ва кучли кремнийлашган оҳактош (63 та) тош жинсларидан фойдаланилган.

IV БОБ. Тўда-1 неолит маконининг маданий-даврий талқини, қадимги тўдаликларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳўжалик турмуш тарзи.

IV. 1. Аналогия масалалари. Тўда-1 ғори материалларининг кам сонлилигидан келиб чиқиб, қиёсий таҳлилларда статистик услубдан фойдаланилмади. Аксинча, белгиловчи тош ва суяк қуролларнинг у ёки бу маданиятлар технокомплексларида мавжуд ёки мавжуд эмаслиги мезонларидан келиб чиқиш ўринли деб топилди.

Қирралари ретушлаб кертилган пластинка ва микропластинкалар Ўрта Осиё неолит маданиятларининг барчасида учрайди. Бу Ўрта Осиё неолитининг ўзига хос хусусиятларидан бири ҳисобланади.

Қирғичлар Ўрта Осиёнинг тоғли ва тоғолди неолит маданиятлари учун хосдир. Улар кўпинча оддий қирғичлар бўлиб, массив кўринишда Мачай ғори, Хисор ва Сазағон маданиятлари ёдгорликларида, шунингдек айрим қирғичлар Тўда-1 неолит макони индустриясида учрайди.

Қирғиччалар Ўрта Осиёнинг барча неолит даври маданиятларида кенг тарқалган. Аммо қирғиччалар Қайнар-Камар ва Тўда-1 индустрияларида деярли учрамайди. Тўда-1 ғорида уларнинг айрим атипик шаклларигина аниқланган ва улар, эҳтимол, фақатгина типологик жихатдангина қирғиччалар бўлиши мумкин.

Геометрик қуроллар Калтаминор ва Сазағон неолит маданияти комплексларида ҳам учрайди³⁹. Тоғли маданиятларида улар онда-сонда учрайди. Тўда-1 макони индустриясида иккита геометрик учбурчак ва трапеция шаклидаги қуроллар аниқланди. Уларга яқин аналогиялар Жойтун⁴⁰ маданиятида учрайди.

